

# Халқ сўзи

## 2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 16 июнь, № 123 (8466)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР — ЭРОН МАТБУОТИДА ҲАФТА МАВЗУСИ

Ўзбекистон ўтаётган ҳафтада Эрон ахборот маконининг диққат марказида бўлди. Хусусан, Эрон босма ва электрон ресурсларида мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти, унда кечаётган жараён ва воқеаларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди.

Хусусан, Эроннинг “Шарқ” стратегик тадқиқотлар маркази веб-сайтининг махсус бўлимида “Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги стратегик савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳаракатлантирувчи омиллар ва истиқболлар” сарлавҳали таҳлилий мақола эълон қилинди.

### Дунё нигоҳи

Марказ тадқиқотчиси Оmid Раҳимий қаламига мансуб ушбу мақолада ёзилишича, сўнгги йилларда расмий Техрон ва Тошкент ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Ушбу тенденциянинг барқарорлигига имтиёзли савдо, бохона маълумотларини алмашиш, савдо-иқтисодий маълумотларни электрон узатиш, пул ўтказмалари, транзит шартномалари каби дастурий ҳужжатлар хизмат қилади.

“2017 йилдан буйи Ўзбекистон муайян тараққиёт ва ислохотлар йўлини босиб ўтди, — дейилади мақолада. — Ҳисоб-китобларга кўра, ушбу давлат Марказий Осиё ва собиқ иттифоқ ҳудудига сиёсат ҳақида иқтисодий соҳасидаги муҳим минтақавий кўнрақдан бирига айланди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш кўши-

чилик сиёсатининг ва албатта, Эрон Ислам Республикасининг Евроосий стратегиясининг устувор йўналишларидан бирига айланishi мумкин”.

Мақолада Ўзбекистондаги жорий савдо-иқтисодий вазият, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги муҳим маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган.

Таъкидланганидек, мазкур кўрсаткичлар иқтисодиёт ривожига, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро савдодаги ўрни ортиб бораётгани, икки давлат ўртасидаги иқтисодий кооперация тўғрисидаги статистик маълумотлар ўтган йиллардаги ҳамкорликнинг ўсиш тенденциясидан далolat беради.

“Ўзбекистон ҳам Фарбий Осиё давлатлари каби Эроннинг ташиқ сиёсатида устувор ўрин эгаллаши керак”, деб ёзди муаллиф ўз хулосасида. “Iran News” газетасида “Янги Ўзбекистоннинг очик, прагматик ва



тинчликсевар ташқи сиёсати асослари” сарлавҳали мақола чоп этилди. Унда Ўзбекистон дунёнинг 142 та давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатгани, БМТ, ИХТ, ЕХТ, ШХТ, МДХ ва бошқа юздан ортик нуфузли ташкилотларга аъзолиги, шунингдек, 200 та халқаро кўп томонлама шартномаларнинг иштирокиси эканлиги қайд этилган.

“Мамлакат нафақат минтақавий, балки глобал кун тартибини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятининг ҳавфсизлиги, фаровонлиги ва барқарор табиъ кўрсатадиган чакриш ва таъдидларга қарши курашининг жамоавий механизми яратилишида жуда фаол”, дейилади мақолада.

Нашрда Ўзбекистон Президентининг халқаро тадбирлардаги муҳим ташаббуслари қайд этилган. Шунингдек, мамлакатимиз ўз тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари буйича кенгашига аъзо этиб сайлангани, айни пайтда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш буйича фаол мулоқот олиб бораётгани таъкидланган.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатишга қаратилган сиёсати алоҳида эътибор қаратилган. Шу нуқтаи назардан, 2021 йил 15-16 июль кунлари Ўзбекистонда “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таъдидлар ва имкониятлар” мавзуда юқори даражадаги халқаро конференция ўтказилганига ургу берилган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сар-

мовий салоҳиятига бағишланган навбатдаги таҳлилий мақола ушбу мамлакатнинг етакчи босма нашрларидан бири — “Sohb-Eqtasad” газетасида босилди. Унда Ўзбекистоннинг сарможий жозибдорлиги, мавжуд имтиёз ва преференциялар, мамлакатимиз салоҳияти, шунингдек, инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси буйича қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ҳақидаги муҳим маълумотлар қаламга олинган.

“Буларнинг барчаси Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий соҳада олиб борилган кенг қўламли ислохотлар туфайли амалга оширилди”, дейилади мақолада.

Таъкидланганича, мамлакат минтақанинг илғор иқтисодиёти очик давлатлардан бирига айланиб бормоқда. Иқтисодиётни либераллаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш давом этмоқда, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилмоқда, бу соҳаларда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланмоқда.

“Хорижий инвесторларнинг акциялар буйича дивидендлар кўришишдаги даромадлари уч йил муддатга даромад солиғидан озод қилинди. Солиқ ва бохона қонунчилигига янги ёки янада қаттиқроқ жавобгарлик чораларини киритишни қатъий таққиаш белгиланди”, дея қайд этилади “Sohb-Eqtasad”да.

Шунингдек, мақолада инвесторлар учун ҳомиёш ва 7 мингдан ортик номдаги товарлар учун бохона тўловлари бекор қилингани ёзилган.



Газетаимизнинг бугунги сонидан сайловолди ташвиқоти доирасида Ўзбекистон Экологик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Абдушукур Ҳамзаевнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган мамлакат тараққиёти ҳамда бошқа устувор йўналишлар буйича ташаббусларига оид мақола чоп этиляпти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг. >>>

### Халқаро анжуман

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ТАЪЛИМ ВАЗИРЛАРИ МУЛОҚОТИ

Шу йилнинг 13-14 июнь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти таълим вазириларининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон фан ва таълим вазириликлари делегациялари иштирок этди.

Тадбирнинг биринчи кунги таълим вазириликлари масъул ходимлари учрашиб, йиғилиш кун тартибидagi масалалар буйича ўзаро фикр алмашишди. БевоСИта вазирилар ўртасида муҳокима қилиниши лозим бўлган масалаларга бағишланган илчи гуруҳ учрашувида эса келгусидаги қатор

вазифалар атрофида кўриб чиқилиб, тегишли хулосалар билдирилди.

14 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишда масъуллар ҳар бир иштирокчи давлатда таълимни ривожлантириш истиқболларига бағишланган тақлифларни илгари суришди.

### Нуқтаи назар

## Янги уйғониш даври пойдевори

### ИЛМ-ФАН РАВНАҚИ АСОСИДА ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасини бирдек қамраб олган бўлса-да, таълим, илм-фандаги ўзгаришлар бунда алоҳида ўрин тутди. Ушбу йўналиш нафақат чуқур ва тизимли чора-тадбирлар олиб борилаётгани билан муҳим, унинг ўзи ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг кўшини ва бошқа мамлакатлар билан муносабатлар билан тенглик, тинч-тотувлик ва ўзаро манфатли ҳамкорлик тамойилида, янгича прагматик ёндашувлар асосида қайтадан қурилмоқда. Қисқача айтганда, юртимиз тубдан янгиланиб, янги Ўзбекистон сифатида дунёга юз тутмоқда. Тарихан қисқа вақт, қарий етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган бундай янгиланишлар ўзининг салмоқли натижаларини бера бошлади ҳамда бу ҳолатни миллий иқтисодиётимизнинг рақам ва сифат кўрсаткичларида яққол кўриш мумкин.

### Ўрганиш

## МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯХШИЛАНЯПТИ

Инсоннинг ҳаётдан рози бўлиб яшати учун аслида кўп нарса талаб этилмайди, чиройли турмуш шaroити ва кўнгилдагидек иш жойи бўлса, бас. Турмуш шарoити дейилганда, аввало, ҳар кунги фойдаландиган сув, электр, газ ҳамда боғча ва мактаб назарда тутилмоқда.

Шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, кейинги йилларда бу масалаларни маҳаллалар кесимида ҳал этиш чоралари кўрилатганидан барчанинг хабари бор. Айни жараёнда Олий Мажлис Сенати ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Гап шундаки, Сенат Кенгашининг 2022 йил 8 ноябрдаги тегишли қарори билан маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш доирасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва жойлардаги масалаларни тизимли ҳал этиш, ҳар бир лойиҳанинг сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида парламент назорати йўлга қўйилган бўлиб, бу борада ишлар сенаторлар томонидан мунтазам ўрганиб келинаётир.

Хусусан, айни кунларда сенатор Маҳмуджон Партиева ҳамда Наманган вилояти, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари мутасадди идоралар вакиллари билан биргаликда бу борадаги ишларни жойига чиққан ҳолда ўрганипти. Бу жараёнда ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш борасидаги лойиҳалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши қарори билан ҳудуддаги 289 маҳаллада 377 та объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига алоқадор манзилли рўйхат тасдиқланиб, ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан жами 477 млрд. 766 млн. сўм ажратилган. Биргина Наманган шаҳрининг 21 та маҳалласида 30 та лойиҳа буйича кенг қўламли ишлар бажарилган.

Шу кунга қадар белгиланган лойиҳалар юзасидан жами 21 млрд. 134 млн. сўмлик, яъни 100 фоиз қурилиш-монтаж юмушлари бажарилиб, маҳалла фаоллари ва жамoатчилик иштирокида лойиҳалар қабул қилиб олинган. Масалан, 15 та ички йўлда 15 млрд. 946 млн., 10 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тармоғи тортиш объектида 4 млрд. 403 млн., 2 та электр таъминоти объектида 685 млн., 1 та умумтаълим мактабида 450 млн. сўм ҳамда 2 та бошқа объектда 8 млрд. 913 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

БевоСИта сенатор бошличилигидаги илчи гуруҳ Наманган шаҳрининг “Марғилон” МФЙ ҳудудидagi 2 та ички йўл ва 1 та ичимлик суви тармоғида, “Обжувоз” МФЙ ҳудудидagi 2 та электр таъминлаш ускунасида ҳамда “Ғишт кўприк” МФЙ ҳудудидagi мактабда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатини ҳамда объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ҳолатини ўрганди.

Ўрганиш давомида олиб борилган мулоқотлар чоғида ҳудуд аҳолиси бу каби бунёдкорлик ишлари боис шаҳарнинг марказий маҳаллаларида узоқ йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган йўллар таъмири, ичимлик суви, электр таъминоти билан боғлиқ масалалар ҳал этилаётганидан мамнун эканликларини билдирди.

«Халқ сўзи».

### Давлат бюджети ижроси:

## ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИГА АНИҚ САВОЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ҳамда 2023 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот атрофида кўриб чиқилди.

### Сарҳисоб

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов кириш сўзи билан очиб, юртимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараёнларга тўхтади.

— Шу кунларда мамлакатимизда Президент сайлови кампанияси тобора қизгин паллага кириб бормоқда. Ялпи мажлисимиз ҳам мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий тадбирлар жараёнида ўтказилмоқда. — деди Н. Исмоилов. — Конституциямиз, Сайлов кодекси ва халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказилаётган сайлов жараён-

ларида барча сиёсий партиялар ва улар томонидан қўрсатилган номзодлар учун соғлом рақобат муҳити ва тенг шарoитлар яратилган.

Энг муҳими, сайлов жараёнлари халқимиз ҳамда халқаро жамoатчиликнинг кўз ўнгиди, очиклик ва шаффоқлик тамойиллари асосида ташкил этилмоқда. Сайлов жараёнларининг барча босқичидаги тадбирлар ҳақидаги ахборотлар, шу жумладан, номзодларнинг Сайловолди дастурлари, жойлардаги учрашувлар кенг жамoатчиликка оммавий ахборот воси-

талари орқали тезкорлик билан етказилмоқда.

Номзодлар ўз дастурларида халқимизнинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарор, ижтимоий фаровонликни таъминлаш, янги тахрирдаги Конституция нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилган муҳим тақлифлар, ташаббуслари илгари сурмоқдалар.

Спикер Н. Исмоилов таъкидлаганидек, Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам ҳафта давомида ўз сайлов округларида бўлди. Депутатларнинг сайлов округларидаги учрашувларида халқимиз Президентлик сайлови қонунчилик талаблари асосида ўтказилаётганини ақдиллик билан маъқуллаб, ушбу муҳим сиёсий тадбир одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлаётганини эътироф этмоқда. Фуқаролар мазкур сайловга дахлдорлик ҳисси билан қараб,

ўз овозининг муҳимлигини ҳис этаётганини билдирмоқда.

Эътиборлиси, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йилдаги ҳамда 2023 йил биринчи чорагидаги ижроси илк бор янги тахрирдаги Конституция талаблари ва нормалари асосида кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоиз, Давлат бюджетини тасдиқлаш, унинг даромад қисмининг ижроси ҳамда ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати, шунингдек, мазкур маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат олиб бориш Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Мажлисида мазкур масала юзасидан давлат Ўзбекистон иқтисодиёт ва молия вазири Шерзод Қудбиевнинг ахбороти эшитилди. Шундан сўнг мажлиснинг муҳокамалар ва савол-жавоблар қисмига ўтилди.

## МИЛЛАТ ВА ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

### ЖАМИЯТНИ ЮКСАКЛИККА, ИНСОННИ УЛКАН МАРРАЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кўзга яққол ташланмоқда. Бу ислохотлар туфайли халқимиз турмуш тарзи ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Муҳими, юрдошларимизнинг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаоллиги ошмоқда, давлат аҳамиятига молик муҳим лойиҳалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этмоқда.

### Таҳлил

Бу ўз-ўзидан бўлиб қолмади. Бунинг замирида Ҳаракатлар стратегияси доирасида рўёбга чиқарилган эзгу амаллар муржабам. Эндиликда эса ана шу саъй-ҳаракатлар Тараққиёт стратегияси асосида мулақо янгича суръатда давом эттириляпти. Утган қисқа даврда ушбу ҳужжатлар асосида кенг қўламли ислохотлар амалга оши-

рилди ҳамда салмоқли ютуқ ва натижалар кўлга киритилди. Бунга ҳар биримиз ўз ҳаёти-мизда ҳис этиб турибмиз.

### Халқ билан мулоқотнинг янгича тизими яратилди

Мамлакатда давлат органлари ҳамда ташкилотлари фаолиятида очиклик ва ошқоралик бўлиши қатъий талабга айланди.



# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЖАДАЛ ИСЛОХОТЛАР – ЭРОН МАТБУОТИДА ҲАФТА МАВЗУСИ

“Божхона ҳудудидида қайта ишлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилди. Янги бозорларни ўзлаштириш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича ишлар жадаллаштирилмоқда. Ижро ҳоқимияти тизимини ислоҳ қилишда, буюқроқияти қисқаришда. Давлатнинг тадбиркорликни тартибга солиш бўйича 500 та функцияси бекор қилинди”, дея қайт этилди манбада.

Яна 70 та функция давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг орқали хусусий секторга ўтказилди. Бугунги кунга қадар 132 та лицензия ва ружкат берувчи ҳужжатлар бекор қилинган, 33 таси бандирришнома шаклига ўтказилган.

“Энг муҳими, инвесторлар билан ишлашнинг тўлиқ тизими жорий қилинган. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан барча босқичда – лойиҳани бошлашдан то “бир дарча” тасмийли бўйича ишга туширишгача бўлган босқичларда инвесторларга ёрдам бериш тизими йўлга қўйилган, — дейилади мақолада. — Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясига кўра, биринчи марта давлат кулай сармоявий ва шибилармонлик муҳитини, мулк дахлсизлигини ва суд ҳоқимияти мустақиллиги учун шарт-шароит яратиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган”.

Эроннинг яна бир нуфузли босма нашри — “Asia News” газетасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистон қадимдан Буюк Ипақ йўлининг марказида бўлиб келгани, буюқ тарихий, маданий ва меъморий меросга эга эканлиги таъкидланган.

“Мамлакатда етти мингдан ортққ қадимий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улар тарихий-маданий, меъморий ва археологик жиҳатдан катта аҳамиятга эа. Ўзбекистон буюқ маърифатпарвар ва олимлар — Ибн Сино, Беруний, Ал Хоразмий, Мирзо Улўбек ва бошқа буюқ шахслар Ватани бўлиб, улар жаҳон маданияти ҳамда илм-фани тамаддунига катта ҳисса қўшган”, дейилади мақолада.

Нашрда қайд этилишича, Ўзбекистоннинг тоғ ва чўллари манзаралари дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳларнинг эътибори ва ҳайратига сабаб бўлмоқда. Шу боис мамлакатнинг сайёҳлик са-

лоҳиятини ортққча баҳолаш шарт эмас ва ҳукумат уни ривожлантириш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

2016 йилдан Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш жараёни бошланди. 65 давлатдан ташриф буюқувчилар учун 30 кунлик визасиз тизим жорий этилди ва 77 давлат, жумладан, Эрон фуқаролари учун электрон виза бериш тизими соддалаштирилди. Ислохотлар шарофати билан 2022 йилда Ўзбекистонга 5,2 миллион сайёҳ ташриф буюқан бўлса, жорий йилда 7 миллион сайёҳ жалб этилиши режалаштирилган.

Мақолада ёзилганидек, жорий йилда Самарқанд шаҳрида Жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеясининг 25-сессияси ўтказилди.

“2022 йил сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгаши саммити бўлиб ўтган Самарқанд шаҳрида “Silk Road Samarkand” сайёҳлик маркази барпо қилинди, — дея қайт этилади газетанда. — Марказ 260 гектардан ортқққ майдонда қурилган бўлиб, эшак эшиш каналининг икки томонида жойлашган. Бу ерда қарийб 1,2 минг хонага эга саккизта меҳмонхона, жумладан, мамлакатдаги илк иккитта беш юлдузли меҳмонхона, “Боқий шаҳар” карвонсаройи ва Конгресс-холл барпо этилди. Конгресс марказининг 18 минг квадрат метр майдонида сизими 3,5 минг кишигача бўлган ўн учта конференция зали жойлашган”.

“Шунингдек, Қашқадарёнинг Шаҳрисабз шаҳри Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг 2024 йилдаги туристик пойтахти этиб эълон қилинган. Қарор 2022 йил 13 декабрда оналий тарзда ўтказилган ИТХ давлатлари туризм вазирларининг тўртинчи йилгилиши янқларни бўйича қабул қилинди”, деб ёздади “Asia News” мухбири.

Умуман олганда, Эрон ОАВда эълон қилинган кўплаб мақолалар мазкур мамлакатда Ўзбекистонга нисбатан қизиқиб ортиб бораётганидан, расмий Техрон ва Ташкент ўртасида кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имтиҳон ва имкониятлар очаётган туб ўзгаришлардан далолат беради.

«Дунё» АА. Техрон

# Давлат бюджети ижроси: ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИГА АНИҚ САВОЛЛАР ҚЎЙИЛДИ

Биринчилардан сўз олган ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Аҳкам Назирқуллов жойларда ўтказилаётган учрашулар жараёнида бюджет ташкилотларининг бухгалтерия бўлиmlари томонидан ишлатиладиган “ЎзАСБО” дастурини ишлатишда муаммолар мавжудлиги, шу билан бирга, давлат харидлари билан боғлиқ жараёнларни амалга оширишда нуклеарликлар юзага келаётганлигини айтиб, ушбу масалаларни бартараф қилиш борасида қандай чоралар кўрилаётгани билан қизиқди. Мазкур саволга иқтисодий ва молия вазирлиги Ш. Кудибоев аниқлик киритиб, соҳада учраётган муаммолар тез кунларда бартараф этилишини билдирди.

Бундан ташқари, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шерзод Раҳмонов Бандлик кўмаклашши давлат жамғармаси ҳисобидан томорқа ер участкаларида фуқароларни кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорлик субъектларига ажратилган субсидиялар ва уларнинг натижадорлигига оид маълумотлар 2023 йил 1-чорак яқини тўғрисидаги ҳисоботда келтирилмаганини сабабларни юзасидан масъуллардан изох сўради. Ушбу саволга Ўзбекистон камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Эркин Мухиддинов жавоб беради экан, тадбиркорлик субъектларига ажратилган субсидиялар ҳақида батафсил маълумотлар берди ҳамда ушбу эшитишни кейинги ҳисоботларда акс этишини маълум қилди.

Мажлисида “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гурлұх Ағзамова ҳам сўз олиб, физиотерапия хизматини қайта тиклаш дастури учун маблағлар 71 фоизга, нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш дастури учун маблағлар 75 фоизга, қон қуйиш, гематология ва онкогеоматология хизматларини ривожлантириш дастури учун ажратилган маблағлар эса 80 фоиз ўзлаштирилганини қайд

этиб, бюджетдан ажратилган маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилмаганига эътироз билдирди. Кўтарилган ушбу саволга Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Отабек Фозилқаримов аниқлик киритиб, муаммолар мавжудлиги, уларни бартараф қилиш бўйича бугунги кунда олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг ахборот берди.

Ҳисобот даврида Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси томонидан оғир иқтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни тураржой билан таъминлашда бошланғич бадални тўлаб бериш учун ажратилган хара-

жатларнинг тўлиқ амалга оширилмаганига ЎзХДП фракцияси аъзоси Қўзилқул Қосимовнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Озода Парпиевнинг мазкур саволга жавоби депутатларни қониқтирмагани боис, иқтисодиёт ва молия вазири томонидан ушбу масала юзасидан батафсил ахборот киритилиши маълум қилинди.

Шунингдек, мажлисда республика-мизда сув ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланиш мақсадида барча имкониятлар ишга солинаётганлиги, бунинг учун бюджетдан маблағ-

## Экспертлар фикри

А. КЕНЖАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг бош илмий ҳодими: — Маълумки, жаҳон парламентаризми тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда парламент давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳаларини бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, депутатлар, парламент палаталарида ҳукумат ёки вазирларнинг ўз фаолиятлари ҳақида маъруза ёки ҳисобот беришлари, парламент эшитишулари, парламент текширувлари, қонун татбиқ этилишини ўрганиш, оғзаки ва ёзма саволлар бериш, оғмуздан орқали инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини текшириш йўллари воситасида ўз назоратида тутишини кузатишимиз мумкин.

Ортимизда 2019 йилдан буён мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатини алоҳида қонун сифатида қабул қилиш амалиётига ўтилди. Давлат бюджети мамлакатнинг бош молиявий ҳужжати эканлигидан келиб чиқиб, бюджет ижросини доимий назорат қилиб боришга алоҳида маъсулият билан ёндашилишини талаб этади.

Очилиши айтиш керак, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети ижроси юзасидан бўлиб ўтган муҳокамалар қизгин ва амалий руҳда кечди. Баҳс-мунозараларга бой бўлган йилгилиши депутатлар томонидан ҳукумат аъзоларига аниқ саволлар қўйилди. Уларда сайловчиларнинг манфаатлари ўз ифодасини топганлигини аққол қўриш мумкин. Қисқача айтганда,

таъсирчан парламент назорати ўз самарасини бермоқда.  
**Р. САЙИДОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти бош илмий ҳодими: — Давлат бюджетини тасдиқлаш, унинг даромад қисмининг ижроси ҳақида ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиш ҳолати, шунингдек, мазкур маблағларнинг мақсади сарфланиши устидан назорат олиб бориш Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Давлат бюджетининг ижроси мунтазам равишда назорат қилиб боришмоқда. Хусусан, палатада Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси юзасидан ҳисоботлар мунтазам равишда қўриб боришмоқда. Энг муҳими, Қонунчилик палатасининг қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари томонидан парламент назоратининг таъсирчан шаклларидан фойдаланган ҳолда, Давлат бюджетидан турли соҳа ва тармоқларга ажратилаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши ва мақсади сарфланиши юзасидан назорат ўрнатилган. Умуман олганда, бу каби омиллар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг самарали ижро этилишини таъминлашга, аҳолининг яшаш шароитини яхшилашга, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиладди.

«Халқ сўзи».

# МИЛЛАТ ВА ВАТАН ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

## ЖАМИЯТНИ ЮКСАКЛИККА, ИНСОННИ УЛКАН МАРРАЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ



Сенатор ҳамда депутатлар, вазир ва ҳоқимлар, барча бўғиндаги мансабдор шахслар фуқаролар билан юзма-юз учрашиб, уларнинг дарду ташвиши билан жиддий шуғуллана бошлади. Яъни бугунги кунда давлат органлари халқ учун, хар бир фуқаро учун очилиб, фаол мулоқот олиб бормоқда. Бу борада халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги тизими яратилди. Хусусан, Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари очилди. Натижада халқимиз йиллар давомида йилгилан муаммоларини очик-ошқора айта олиш имконига эга бўлди.

Инсон қадрини — улуг, ў эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшаши керак, деган эзгу гош ижобатига барчамиз гувоҳимиз. Очиклик сиёсати боис халқимизнинг давлатга ишончи мустаҳкамланди. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққий стратегияси асосида бу борадаги ишлар кенг қулоч ёзиб, инсон қадрини улуглаш, аҳолининг фаровон яшашини таъминлашга қаратилган эзгу ишлар тобора кенгайиб бораётди.

Маълумки, инсон қадрини деганда, хар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилмани ташкил этиш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, иқтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш бериш тушунилади. Бу мақсадга эришиш учун эса дунёда ноёб демократик тузилма бўлган маҳалла институтининг катта имкониятларидан самарали фойдаланиш, унинг ваколатларини янада кенгайтириш, пировад натижада уни жамиятимизнинг хал қилувчи бўғинига айлантириш вазифаси қўйилмоқда. Хусусан, бугунги кунда хар бир маҳаллага аҳоли сонини, уларнинг инфратузилмаси ҳолати асосида етарликл маблағ ажратилапти. Маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоқим ёрдамчилари ҳамда профилатика инспекторлари фуқаролар билан доимий иш олиб бориб, уларни қийнаётган муаммоларни босқичма-босқич хал ээтаётди. Барча масалалар маҳалланинг ўзида ўрганилиб, ечимни топилмоқда.

Бу борада “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори дастуриламал бўлмоқда.

### Иқтимоий ҳимоянинг муҳим кўриниши

Аҳолининг ҳаёт даражасини ифода этувчи муҳим омиллардан яна бири — уй-жой таъминоти масаласи. Сўнгги йилларда у ҳам давлатимиз сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида белгиланди. Натижада қисқа вақт ичида мамлакатимизда улкан қурилиш ишлари олиб борилиб, минглаб оилалар Ватан ичра кичик ватанига эга бўлди. Хусусан, 2018 йилдан буён уй-жой қурилиши қарийб 2 баробар ортган. Аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлаш даражаси 15,7 квадрат метрдан 18,2 квадрат метрга ёки 16 фоиз ошди. Биргина 2022 йилда 44 мингта хонадон қурилган. 2023 йилда қурилмадан хонадонлар сонини эса ўтган йилдагига нисбатан камид 100 фоизга кўпаяпти. Жорий йилда 53 та “Янги Ўзбекистон” массиви ва бошқа 161 та массивда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуриш йиллик ҳажми 2 баробар оширилиб, 90 мингта етказилиши кўзда тутилмоқда.

Сўнгги йилларда аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар микдорини кўпайтиришга қаратилган бир қатор ишлар қилинди. Масалан, 2016 йилдан 2022 йилгача иқтимоий нафақа учун ажратилаётган маблағлар ҳажми 10 бараварга оширилди.

Иқтимоий дастурларни молиялаштириш харажатлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 баравар ортиб, кам таъминланган нафақа олувчи оилалар қамрови 5 баробар кўпайди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва ногиронлиги бўлган болаларнинг парварши билан банд бўлганлар учун янги нафақа турлари жорий этилди.

Шу билан бирга, нафақа тайинлашда инобатга олинмадан болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача кўтарилиди, мазкур тўлов муддати эса 6 ойдан 12 ойгача ва нафақа микдори ўртача 1,5 баробар оширилди. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортқққ янги инструментлар жорий этилди.

Бундан ташқари, болали оилалар учун иқтимоий нафақалар қамрови 2017 йилдагига нисбатан 5 баравар ошиб, 2022 йилда Давлат бюджетидан 11 триллион сўмдан ортқққ маблағ ажратилган.

Утган олти йил давомида аҳоли орасида пенсия ва нафақа олувчилар сонини ҳам сезиларли ўсди. Жумладан, 2016 йилда 3,3 миллион нафар, 2017 йилда 3,5 миллион, 2018 йилда 3,7 миллион, 2019 йилда 3,9 миллион, 2020 йилда 4 миллион, 2022 йилда 4,3 миллион нафар одам пенсия ва нафақа олган. 2023 йил бошида 4,4 миллион кишига пенсия ва нафақалар берилган.

Эктиҳиманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” тизими йўлга қўйилди. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари кафолати кўчатирилиб, мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалар меҳнатига бугунлаш барҳам берилди.

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланишга чек қўйилиши орти-

дан ўзбек пахтасига эълон қилинган бой-кот бекор бўлди. Натижада дунёнинг кўзга кўринган 300 дан ортқққ брендлари билан алоқаларни йўлга қўйиш имконияти юзага келди.

Бу соҳада бозор иқтисодиётининг синланган усуллари, жумладан, кластер тизими жорий этилди. Тизим йил сайини ривожлантирилди, натижада 2021 йилга келиб республикада агрокластерлар сонини 633 тага етди. Улар 2,2 миллион гектар қишлоқ ҳўжалиги ерларини қамраб олди. Кластерлар ёрдамида гектаридан 50 центнер пахта ва 100 центнердан галла ҳосили олиш кўзланмоқда.

Иқтимоий соҳа вақилларини мажбурий меҳнатдан озод этиш билан бирга, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳам эътибор кўчатилади. 2016 йилда болаларни боғчалар билан қамраб олиш бор-йўғи 30 фоизни ташкил этарди холос. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларини сон қарийб 30 мингга қинлашди, шундан 23 мингга яқинини нодавлат боғчалар ташкил этади. Айни пайтда 2 миллион 100 минг ёки 71,8 фоиз бола боғчача қамраб олинди. Мазкур кўрсаткичнинг 2023 йилнинг охирига қадар 75 фоизга етказиш режа қилинган.

Кенг жамоатчилик ва ота-оналар фикр-таклифлари асосида мактабларда 11 йиллик таълим қайта тикланди. Мактаб ўқувчилари иш оқламалари яққбуллаштирилди. Халқ таълими ҳодимлари иқтимоий шарт-шароитини яхшилашга эътибор ортди. Ўқувчилар сонини йил сайини кўпайтириб 2017/2018 ўқув йилида 5271,3 мингдан 2021/2022 ўқув йилига келиб 6304,6 мингга ошди. Ўз навбатида, шунга мос равишда мактаблар ҳамда ўқитувчилар сонини ҳам ортди.

Мамлакатимизда олий таълим тизимида ҳам қатор иқтимоий ўзгаришлар амалга оширилди. Олий ўқуш юртлири сонини 200 дан ортди, уларга қабул квотаси 4 баробар кўпайди. Натижада олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 39 фоизга етказилди, бу қамров 2023 ўқув йилида 42 фоизга етиши кўтиляпти.

### Аҳоли бандлигини таъминлаш — устувор йўналиш

Сир эмаски, аҳолининг кам таъминланган, аммо меҳнатга лаёқатли қатлами бандлигини таъминлаш давлат сиёсатидаги муҳим йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Бу бўйича ҳукумат томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Масалан, 2022 йил 1 январдан жорий этилган ҳоқим ёрдамчиси лавозимини оилалик. Бу лавозимдаги давлат мулозимлари хар бир қишлоқ ва маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича ишламоқда.

2022 йилда ҳоқим ёрдамчилари бир миллион аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва тадбиркорлигини бошлашга кўмаклашган, уларни даромадли иш билан банд қилишда ёрдамлашган. Албатта, бу катта натижа. Ишлар шундай жадал давом этса, жорий йилда 5 миллион аҳоли бандлигини

таъминлаш, жумладан, 2 миллионга доимий иш ўрни яратиш мумкин бўлади. Қолаверса, ҳукумат томонидан катта эътибор берилмадан масалалардан яна бири мамлакатда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида бўлмоқда. Бу ҳам иқтимоий ҳимоя қамровини оширишда самара бераётди. Маълумотларга кўра, 2023 йилда оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича молиявий кўмак миқдори сезиларли ошган. Мисол учун, 2022 йили оилавий тадбиркорлик дастурига Давлат бюджетидан қарийб 10 триллион сўм йўналтирилган бўлса, жорий йилда 12 триллион сўм ажратилмоқда.

### 182 давлат билан савдо алоқалари ўрнатилди

Ўтган вақт давомида иқтисодиёт соҳасида ҳам янгиланишлар юз берди. Жумладан, юқори ўсиш суръатларини таъминлаш ва иқтисодий фаоллиқни ошириш борасида қурилган чоралар натижада иқтисодий ўсиш йиллик 4,4 фоиздан 2021 йилда келиб 7,4 фоизни ташкил этди. Аҳолининг ЯИМдаги жон бошига улushi 2,7 йилдан 21 миллион сўм бўлгани холда 2,1 фоиздан 5,3 фоизга ўсди.

Пул-кредит (монетар) сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, энг аввало, валюта бозори либераллашганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки биргина шу ислохот тадбиркорларнинг қўллаб оворагарчилигига чек қўйиб, экспортни жадаллаштиришга замин яратди. Бу борадаги ишларни норматив ҳужжатлар билан тартибга солиш мақсадида янги тахрирдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Бюджет маблағидан самарали фойдаланиш тизими тақомиллаштирилиб, парламентнинг бюджет жараёнидаги роли оширилди. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун, Солиқ кодексини янги тахрири қабул қилинди. Натижада тадбиркорлик субъектлари учун ягона иқтимоий тўлов пасайтирилиб, 12 фоиз этиб белгиланди. Солиққа тортишни соддалаштириш мақсадида амалдаги солиқлар сонини 13 тайдан 9 тагача қамайтирилди.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, инвестицияларни фаол жалб этиш борасида ҳам туб бурилишлар кузатилади. Натижада асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ортиб, 2021 йилда уларнинг ҳажми 239,6 триллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2016 йилда бор-йўғи 51,2 триллион сўм эди.

Божхона назорати жараёни автоматлаштирилиши ҳамда инсон омилли аралашувига чек қўйилиши ҳисобига ҳуқуқбузарликлар 4 баробар, божхона текширувлари сонини 1,7 баробар қамайди. Шуларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон жаҳоннинг 182 мамлаката билан савдо алоқаларини ўрнатди. Айни чоғда саноат етакчи тармоқларини ривожлантириш чоралари қўрилди. Натижада саноат маҳсулотини ҳажми 2021 йилда 456,1 триллион сўмга, аҳоли жон бошига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 13,1 миллион сўмга етказилди.

### «Яшил» ривожланиш истиқболлари

Бугун она заманимиз бағридаги бой хомашё ва қазилма бойликларни эл-юрт манфаатлари йўлида ишлаш мақсадида юқори самарали, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилмоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда Қандим гезини қайта ишлаш мажмуаси, Тошкент металлургия заводи қави ноёб объектлар ишга туширилди. Наҳий конметаллургия комбинати ва Ўзбекистон металлургия комбинати ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Ана шу ишларнинг давоми сифатида яқинда етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Олмалик кон-металлургия комбинатининг лойиҳа қиймати 2 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган янги мис бойитиш фабрикаси қурилиши бошланди. Шунингдек, жаҳонда фақат тўртта давлатда бўлган йирек лойиҳалардан бири — “Uzbekistan GTL” саноат мажмуаси барпо этилди.

Бундан ташқари, “яшил” энергетика, рақамли иқтисодиёт ва транспорт соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 394 та янги маҳаллий автобус йўналиши очилди. Қозғоштон, Қирғизистон, Тожикистон ва Россия ҳамда янги 32 та мунтазам халқаро автобус қатновчи йўлга қўйилди. Қатнов йўллари узунлиги ортди.

Хозирги пайтда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнида фақат давлат корхоналарини сотиш эмас, балки уларнинг рақобатдошлигини ошириш, иқтисодий соҳадаги миллий нафақаларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мутлақо янги ёндашувларни қўллашга катта эътибор берилмоқда. Давлат активларини сотишда шаффоқлик, самарадорлик ва жамоатчилик иштирокчини таъминлайдиган меҳнатчи жорий этилди. Айни вақтда давлат активлари, кўчмас мулклар, бинолар, автотранспорт воситалари аукционлар орқали сотувга қўйилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар енгиллаштирилди, қўллаб янги имтиёзлар яратилди. Ҳудудларни комплекс ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, иқтисодий ва иқтимоий жиҳатдан орқда қолаётган туман ва шаҳарларни тараққий эттириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш масаласи муҳим вазибалардан бири бўлиб қолмоқда.

### Ташки сиёсатда дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш етакчилиги қиладди

Ўзбекистоннинг хар бир фуқароси ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат, яъни паспортида ёзилганидек давлат ҳимоясини амалда ҳис қилмоқда. Чет элларда ишлаб чиқариш корхоналарининг нисбатан муносабат буткул иқтимоий тарафга ўзгарди. Чет элларда улар ҳуқуқлари поймол бўли-

шининг олдини олиш, иқтимоий муҳофазасини таъминлаш, ташкиллаштирилган миграцияни йўлга қўйиш бўйича мутлақо янги тиз



